

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**QIYOSIY
ADABIYOTSHUNOSLIK:
O‘TMISHI, BUGUNI,
ISTIQBOLLARI**



**2020-yil
6-noyabr**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI**

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI FAKULTETI

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI KAFEDRASI

QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O‘TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI



Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami

2020-yil 6-noyabr



**“FIRDAVS-SHOH” NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2020**

ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА АЖДАРҲОНИНГ БАДИЙ-МИФОЛОГИК ТАЛҚИНИ

Гулбаҳор НАЗАРОВА,
Бухоро давлат университети
катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақола инглиз адабиётида аждарҳо образининг бадий-мифологик талқини борасида бўлиб, унда муаллиф инглиз адабиётида аждарҳо образининг акс эттирилишида ўзбек адабиётидаги аждарҳо образи билан ўхшашлик ва фарқлари, ушбу образининг ўзига хос хусусиятлари, ҳар иккала тил адабиётида бу мифологик образининг ўрни хусусида изланиш натижаларини ёритиб берган.

Калим сўзлар: аждарҳо, топоним, миф, афсона, Беовульф.

Аннотация. В статье рассматривается художественно-мифологическая интерпретация образа драконов в английской литературе, в которой автор описывает сходства и различия между изображением драконов в узбекской литературе и образом драконов.

Ключевые слова: дракон, топоним, миф, легенда, Беовульф.

Инглиз оғзаки адабиётида аждар ёки аждарҳо (dragon), одатда, кўршапалак қанотларига ўхшаш қанотли, оғзидан олов пурковчи, аррасимон думли, тангача танли улкан калтакесак ёки илонсимон афсонавий махлуқ кўринишида тасвирланган. Ушбу мифологизмга бўлган ишонч одамларда ҳали қадимги улкан аждарсимон судралиб юрувчилар пайдо бўлмаётган туриб шаклланган.

Инглиз тилидаги *dragon* сўзи юнонча *drakōn* сўзидан келиб чиққан бўлиб, дастлаб ҳар қандай йирик илон кўринишидаги жонзотларга нисбатан ишлатилган. Кейинчалик у мифологик образ, яъни аждарҳога нисбатан қўллана бошлаган.

Умуман олганда, Яқин Шарқ дунёсида илонлар ёки аждаҳо ёвузлик рамзи ҳисобланган. Масалан, Миср худоси Апепи зулмат дунёсининг буюк илони сифатида тасаввур қилинган. Аммо юнонлар ва римликлар Яқин Шарқ афсоналаридаги илон образини ёвуз куч сифатида қабул қилсалар ҳам, аждарга ер тубида яшовчи ўткир кўзли, фойда келтирувчи махлуқ сифатида қарашган. Европада эса аждарлар кўпроқ ёмонлик қилувчи ёвуз куч сифатида тасаввур қилинган. Хусусан, христиан дунёсида аждарлар гуноҳ ва бутпарастлик рамзи ҳисобланади. Шу сабабли кўпинча роҳиблар ёки жафокашлар оёғи остида ястаниб ётган аждар образи тасвири берилади.

Аждар мифологизмининг шакли ва хусусиятлари ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар асрлар оша ўзгариб келган. Масалан, аждар образи Англияда Норманлар истилосидан олдин қирол Артурнинг отаси Утер Пендрагон томонидан бошланган уруш давомида ушбу қиролликнинг рамзи деб белгиланган. Кейинчалик, XX асрга келиб, аждарҳо акси расман Уэлс князининг қурол-аслаҳаларини бегаган тасвирлар орасидан жой олган.

Буюк Британияда аждаҳо мифологизми келиб чиқиши тарихининг хилма-хиллигига саксонлар, кельтлар ва норманларнинг таъсири борлиги тахмин қилинади. Бинобарин, Англия удумлари ва фольклорини тадқиқ этган Марк Александрнинг “Британия фольклори” (British folklore) китобида мамлакатнинг етмишдан ортиқ ҳудудида аждарлар билан боғлиқ афсоналар ва удумлар тарқалганлиги ҳақида маълумот учрайди.

Мамлакатдаги баъзи жой номлари таркибида аждар сўзи қўшилиб келган топонимлар билан аталадики, бундан уларнинг бевосита аждарлар ҳақидаги қадимий мифологик афсоналар таъсирида келиб чиққанлигини идрок қилиш мумкин. Масалан, тадқиқотчи Лесли Гринсининг “Британия тарихий жойлари фольклори” (Folklore of Prehistoric sites in Briatin) асарида Британиянинг айрим ҳудудларида аждарларнинг тоғдаги яширин хазина кўриқчиси бўлганлиги тўғрисида афсоналар борлиги, уларнинг таъсирида *Drakelow*, *Dragonhoard*, *Drake Howe* каби жой номлари ҳам пайдо бўлгани, ҳатто Оксфорд шаҳри яқинидаги Dragon Hill номли тепаликдаги қиятошда аждар расми

ўйиб тасвирлангани ҳақида келтирган маълумотлари бу жиҳатдан алоҳида эътиборни тортади.

Ғарб ва Шарқ афсоналарида аждар мифологизмининг кўринишида ўхшашлик ва фарқли томонлар борлигини кузатиш мумкин. Масалан, Европа оғзаки адабиётида аждарлар икки турга ажратилган: 1. Қанотли ва уча олиш қобилиятига эга бўлган аждарлар (dragons). 2. Қанотсиз, фақат ерда судралиб юрвчи махлуклар (monsters).

Биринчи турдаги аждарлар икки ёки тўрт оёқли кўринишда бўлиб, тўрт оёқлилари ўткир тирноқли, арра-арра шаклдаги қанотлари бор, олд оёқлари орқа оёқларидан калтарок, букилувчан узун думли, катта бошли, улкан оғзи ўткир тишларга тўла, қоронғуда ҳам яхши кўра оладиган ўткир кўзли, икки шохли кўринишда тасвирланади.

Икки кўзи орасида кўзга ўхшаш қимматбаҳо тош деб таърифланган учинчи кўзи бор аждаҳолар *dracontia* деб юритилади. Уларнинг танаси яшил тусли тангачалар билан қоплангандир. Танасининг ички томони эса оч сариқ тусда бўлса, устки қисмида бошидан думигача ўткир нишлари, кўршапалак қанотларига ўхшаш ярқираб турувчи ва енгил мушкул бўлган ёйилувчан, баҳайбат қанотлари борлиги айтилади.

Англияда аждар мифологизмининг, асосан, хазина кўрикчиси сифатидаги бадиий вазифаси талқини кенг тарқалган бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи Қадимги Рим ва юнон афсоналаридаги муқаддас жойлар ва кўрғонларни кўриқловчи илонлар образи билан боғлиқлиги тахмин қилинади.

Британия фольклорида аждарҳолар ҳақидаги афсоналарнинг энг қадимги илдизи бу курт (инг.worm) сўзига бориб тақалади. Негаки, бу сўз Норман ва Англо-Саксонча *Wurm ёки wurm* сўзларидан келиб чиққан. Кўриниши жиҳатидан қуртлар қанотсиз, оёқ-кўлсиз, танаси майда тангачалар билан қопланган, улкан илонга ўхшаш, заҳарли нафаси билан кўрқитувчи, бир зумда майда бўлақларга бўлиниб, яна бирлашиш каби сирли қобилиятга эга бўлган мавжудот сифатида акс этади. Хусусан, Ламбтон номли афсонавий курт образи худди шундай кўринишга эга бўлган Лосчи тепалиги аждарҳоси ҳисобланган. Инглиз афсона ва эртақларида бу турдаги аждарҳолар ёш қаҳрамон образига рақиб сифатида келтирилиб, шу орқали инсон куч-қудратини, зўрлигини контраст усулида улуғлашга хизмат қилган. Масалан, аждарҳолар хазина ёки асирга олинган қизларни, кудук, чашма ва ғорларни кўриқлаш вазифасини бажаришади. Шу асосда қадимги инсонларнинг ер энергияси ҳамда ер ости кучларининг мавжудлиги ҳақидаги қадимги диний эътиқод ва қарашлари ифода этилганлиги аёнлашади.

Англия Жанубидаги Сассекса, Лиминстер черкови яқинида Наккер Ҳоулс номи билан машҳур бўлган тубсиз ҳовуз Наккер исмли қуртсимон аждарнинг макони бўлганлиги ва бу аждар Сассекс қиролининг қизига ошиқ бўлгани, уни қаҳрамон йигит ўлдириб, бечора қизни қутқаргани айтилади.

Уэлс фольклорида аждар мифологизми рангига кўра фарқлангани жиҳатидан эътиборни тортади. Унда қизил ва оқ аждар образлари тўғрисида сўз юритилган. Қизил аждарни ўз миллий ғурури тимсолида қабул қилган Уэлсликлар уни мамлакат байроғида ҳам акс эттиришган.

Қизил ва оқ аждар образи Британия адабиётининг илк намуналарида ва Уэлс мифологиясининг муҳим тўпламларидан ҳисобланган “Мабиногион” (“The Mabinogion”) асарида ўз аксини топган. XII-XIII асрлар мобайнида тўпланган миф, афсона ва эртақлар асосида яратилган бу асар дунё бўйлаб машҳур бўлиб, ўз ичига Кельт раҳнамоси Қирол Артур ҳақидаги афсоналар билан бир қаторда машҳур эртақларни ҳам қамраб олган. Жумладан, бу тўпламда “Ллудд ва Ллефелис” номли машҳур эртақ бўлиб, унда қизил аждарнинг оқ аждар устидан қозонган ғалабаси ҳақидаги аёвсиз жанг тафсилотлари тасвирланган. Эртақда қаердандир Францияга келиб қолган жуда кўрқинчли аждарҳонинг қичқириқларидан чўчиган ҳомиладор аёлларнинг ҳатто қорнидаги боласи йўқола бошлайди. Яна бу аждарҳо чорва молларини қириб, экинларни пайҳон қилаверади. Унинг бу каби ёвузликларидан мамлакат қироли қаттиқ таҳликага тушади. Ниҳоят, ватани ва

элини ушбу таҳликадан қутқаришга бел боғлаган Буюк Британия қироли Ллудд Францияга укаси Ллефелис ёнига маслаҳат сўраб келади. Ллефелис акасига бир чуқур қазиб, уни ўт-уланлар билан тўлдириш ва устини мато билан ёпиб қўйишни маслаҳат беради. Ҳақиқатдан, оқ аждар қазилган чуқурга сув ичиш мақсадида кирганида, тузоққа тушиб қолади. Ллуд пайтдан фойдаланиб, аждарни тутиб олади ва Уэлсадаги Динас Эмрис кўрғонига қамаб қўяди.

Афсоналарда оқ аждар бешинчи асрда Англияга ҳужум қилган Герман Англо-Саксонлари ва Саксонлар қўмондони Вортигерн тимсоли сифатида ҳам талқин қилинган. Шунинг учун Қирол Артур байроғида унга қарши қизил аждар тимсоли гавдалантирилган.

“Ллудд ва Ллефелис” афсонаси Британия Кельтлари билан Гаул (ҳозирги Франция) ўртасида азалдан яқин алоқалар мавжуд бўлганлигини таъкидлаш баробарида аждарлар ҳақидаги тасаввур-тушунчаларнинг ҳам жуда қадимийлигига ишора қилади.

Аждар мифологизми акс эттирилган яна бир қадимий эпик асар “Лоши тепалиги аждари” (“*The Dragon of Loschy Hill*”) номли Йокшаер афсонасидир. Бу афсона Реверенд Томас Паркинсон томонидан 1888 йилда чоп этилган “Йоркшаер афсона ва удумлари” (“*Yorkshire Legends and Traditions*”) китобида келтирилган. Паркинсон таъкидлашича, Стоунгрейв яқинидаги Лоши тепалигидаги ўрмонзорда улкан аждар яшаган ва у доимо қишлоқ аҳолисини ўзининг даҳшатли кўриниши ва ўқиришлари билан кўрқитиб келган. Шу сабабали жасур рицар Питер Лоши уни ўлдиришга қарор қилади. Питер ўзига бир тўда хушёр итларни эргаштириб, зарур қурол-аслаҳаларни олиб, аждарни излашга тушади. Аждарни топгач, унга ҳужум қилади, лекин аждар ўлжасининг кучлилигидан беҳабар ҳолатда уни ўз домига тортмоқчи бўлади. Питер ўз найзалари билан етказган жароҳатларининг негадир аждарга зарар етказмай, тезда битиб қолаётганидан ҳайратга тушади. Аммо бу сирли куч уни саросимага солмайди ва жасур рицар аждарни бурда-бурда қилиб ташлайди. Аждарнинг майдаланган бўлақларини Питернинг итлари Наннингтон черковига олиб келади. Рицар Лоши шунчалик қувончга тўлганлигидан танасини аждар пуркаган заҳар қоплаб олганлигини сезмайди. Заҳар таъсирида рицар ва унинг вафодор итлари черков ёнида ҳалок бўлишади. Ватанини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган рицар ва унинг итлари Стоунгрейвнинг Наннингтон черковида дафн этилади. Қабр тошида эса унинг аждар билан олишуви ҳақидаги ҳикоя мазмуни барчага аён бўлиши учун тошга ўйиб ёзилган ва ҳозиргача сақланиб қолган.

Инглиз адабиётининг тамал тоши ҳисобланган “Беовульф” достонида ҳам асосий образлардан бири аждар мифологизмидир. Йўқолиб кетган қабиланинг хазинасини топиб олган оғзидан ўт пурковчи аждар олтин ва гавҳарларни кўриқлаш учун кириш жойи сирли бўлган ер остидан макон куради. “*The dragon guards an underground barrow full of treasure, which is accessible only by a secret passage. One day a slave, fleeing a beating, finds his way to the passage and sees the dragon. Despite his terror the man steals a cup from the treasure*”.

Аждарҳо шунчалик очкўзлигидан одамларга хос бўлган яхшилик ва эзгуликка ҳамиша қарши бўлади. У олтин хазинасига ўғрилиқ уюштирилгандан кейин жазавага тушиб, Гит салтанатига ҳужум қилади. Бу салтанатнинг қироли Беовульф ўз элининг тинчлиги бузилганидан ғазабланиб, ғаламис аждарҳого қарши курашга отланади. “*The throne comes to Beowulf, who rules as a great, wise, and prosperous king for fifty years. But then Beowulf's reign is disrupted by the appearance of a dragon*”.

Беовульф жангчилари билан аждарнинг маконига яқинлашганида уларни ташқарида қолдириб, ўзи ичкарига киради ва аждарни уйғотиш учун қичқиради. Аждарҳо уйғониб, оғзидан ўт пуркаб, Беовульфга ҳужум қилади. Беовульфнинг қилич-қалқони уни узоқ ҳимоя қилолмайди ва аждарнинг пуркаган оловларидан хушсиз йиқилади. Буни кўрган ўн жангчи қочиб қолади ва фақатгина Виглаф исмли жасур жангчи Беовульфга ёрдамга шошилади. Бу курашда Беовульф ва Виглаф биргаликда ғолиб бўлиб,

мамлакатини аждардан қутқаради. Аммо аждар ҳужуми вақтида захарланган Беовульфнинг бўйни шишиб кетиб, у қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

*“Quickly, the dragon came at him, encouraged
As Beowulf fell back; its breath flared,
And he suffered, wrapped around in swirling
Flames – a king, before, but now
A beaten warrior. None of his comrades
Came to him, helped him, his brave and noble
Followers; they ran for their lives, fled
Deep in a wood. And only one of them
Remained, stood there, miserable, remembering,
As a good man must, what kinship should mean”.*
(Seamus Heaney, *Beowulf*)

Хулоса қилиб айтганда, инглиз оғзаки адабиётида аждар образи алоҳида ўринга ва ўзига хос рамзий-тимсолий талқинларга эга бўлиб, кенг тарқалганлиги кузатилади. У гоҳ салбий, гоҳ ижобий хусусиятларда акс эттирилади. Ирланд, Уэлс, Келт афсоналарида аждарлар бир-биридан фарқли, турлича кўринишларда акс эттирилса-да, кўпинча ғоявий-бадий вазифаларининг муштараклиги кузатилади.

Инглиз фольклоридаги аждар мифологизмининг келиб чиқиши илдизлари бир томондан қадимги Рим ва Юнон афсоналарига ҳам бориб тақалади. Аждар билан боғлиқ асотирий ва афсонавий қарашлар, эътиқодий тушунчалар унинг айрим мамлакатлар томонидан давлат, куч-қудрат рамзида қабул қилинишига асос яратган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Scrace C., Legg G. Dragons. Book House. – Great Britain, 2006. – P.10-15.
2. Boulay R.A. Flying Serpents and Dragons. The Book Tree. – California, 1999. - P. 36-40.
3. Heaney Seamus. Beowulf. Faber & Faber. – England, London, 2007. – P. 222-228.
4. www.britannica.com

“БОБУРНОМА”ДА ИЖОДКОР ШАХСИ ВА МУАЛЛИФ ОБРАЗИ

Гулсанам ҚОСИМОВА,
Фарғона давлат университети ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада Бобурнинг ижодий жараёнга ҳамда воқеликка муносабати, мемуар асарида ҳам, лирикасида ҳам ҳаёт ҳақиқатини холис тасвирлашга интилгани ҳақида сўз боради.

Калим сўз. Ижодкор шахси, муаллиф образи, ҳаёт ҳақиқати, бадий ижод, холислик, эстетик таъсир.

Аннотация: В этой статье обсуждается подход Бобура к творческому процессу и реальности, а также его попытка объективно отобразить реалии жизни как в его мемуарах, так и в его лирике.

Ключевые слова: Творческая личность, образ автора, реальность жизни, художественное творчество, объективность, эстетическое влияние.

“Бобурнома” асарининг яратилиши ижодкор шахси ва муаллиф образи синкретик уйғунлашган адабий жараён сифатида нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти тарихи миқёсида ҳам ноёб ҳодисадир. Шоҳ ва шоирнинг мемуар асарида тасвирланган ҳодисаларни унинг лирик мероси билан қиёсий тадқиқ этиш жараёнида бунга яна бир бор амин бўламиз. Чунки ҳар қандай вазиятда ҳақ сўзни айта олиш, тил ва дил бирлиги тарихий ҳақиқат ҳамда бадий ижод уйғунлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб

МУНДАРИЖА

I. QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIKNING NAZARIY VA USLUBIY MUAMMOLARI

Акмал САИДОВ. “Қиёсий адабиётшунослик” тушунчасининг таърифи, талқини ва таснифи ҳақида айрим мулоҳазалар.....	3
Акмал САИДОВ. XX аср бадиий адабиётида глобаллашув муаммолари талқини (профессор Муҳаммаджон Холбековнинг илмий-ижодий фаолияти мисолида)	8
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ. Қиёсий адабиётшунослик фан сифатида	13
Гулноз ХАЛЛИЕВА. Адабий компаративистиканинг объекти ва вазибалари.....	16
Шоира АХМЕДОВА. Ўзбек ва француз адабиётшунослигида адабий-танқидий суҳбатнинг ўрни.....	19
Shohsanam DAVRONOVA. “Qiyosiy adabiyotshunoslik” fanini o'qitishda interfaol metodlardan foydalanish	21
Баҳодир ХОЛИҚОВ. АҚШ ва ўзбек романларининг композицион қурилишига доир айрим мулоҳазалар (“Чўқинтирган ота” ва “Шайтанат” асарлари мисолида).....	24
Хулқар МУҲАММЕДОВА. Ўзбек ва инглиз адабиётида детектив роман элементларининг акс этиши	28
Алишер МАҲМУДОВ. Диний бағрикенгликнинг қиёсий таҳлили(Г.Э.Лессинг ва Э.Воҳидов ижоди мисолида).....	30
Комилжон ҲАМРАЕВ. Бадиий “учлик” типологиясининг тарихий-назарий хусусиятлари.....	36
Дилфуза РАСУЛМУХАМЕДОВА. Қиёсий адабиётшуносликда туркий халқлар адабиётидаги асарлар таҳлили ва талқини.....	39
Улуғбек КЎЧИМОВ. Бадиий психологизмнинг назарий асослари	43
Санобархон ИСРОИЛОВА. Притча (хикоят)нинг ўзига хос хусусиялари	47

II. O‘ZBEK MUMTOZ ADABIYOTI, QIYOSIY MIFOLOGIYA VA FOLKLORSHUNOSLIK MASALALARI

Дилнавоз ЮСУПОВА. Темурийлар даври арузшунослигида рубоий вазнларига доир қарашларнинг қиёсий таҳлили	49
Музаффар МАМАТҚУЛОВ. Сайқалининг “Баҳром ва Гуландом” достонида фольклор анъаналари	52
Yunus AZIMOV. Abdurahmon Jomiyning “Xiradnomai Iskandariy” va Alisher Navoiyning “Saddi Iskandariy” dostonlarida Iskandarning payg‘ambarligi talqini	58
Nurbek JURAYEV, Izzat NIGMATOV. Maqollar bizning ulkan folklor merosimizdir	61
Ra’no NAKIMJONOVA. “Mantiq ut-tayr” va “Lison ut-tayr” debochasida koinot motivi	63
Акмал ЖУМАЕВ. Немис ва ўзбек адабиётида ҳудҳуд образининг ўзига хос талқинлари	66
Гулбахор НАЗАРОВА. Инглиз адабиётида аждарҳонинг бадиий-мифологик талқини	69
Гулсанам ҚОСИМОВА. “Бобурнома”да ижодкор шахси ва муаллиф образи.....	72
Давронбек ОРИПОВ. “Орзигул” достони юзасидан янги қайдлар.....	75
Дилмурод ДЎСБЕКОВ. “Алпомиш” ва “Манас” дostonларининг қиёсий тадқиқи.....	79
Зарнигор ДЖАЛИЛОВА. Ғарб ва шарқликларнинг атиргул билан боғлиқ магик-мифологик қарашлари ва анъаналари	83
Маҳмадиёр АСАДОВ. Афсонавий Сизиф образининг қиёсий тадқиқи: Гомердан Хуршид Дўстмуҳаммадгача.....	85
Раъно КАЗАКОВА. Отличительные черты фольклорной и литературной сказок	91
Руфина БОЗОРОВА. Лорелай ҳақида афсона	93
Сарвиноз АХМЕДОВА. Инглиз эртақларида эпик кўмакчи образи.....	97
Умида ЭЛОВА. “Гайавата ҳақида кўшиқ” поэмасининг лингвостилистик таҳлили	99
Шаҳноза УБАЙДУЛЛАЕВА. Жангнома дostonларда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима масалалари	102

III. O‘ZBEK ADABIYOTI JAHON BADIY TAFAKKURI KONTEKSTIDA

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ. Шарқ ва Ғарб классицизмнинг умумназарий муаммолари	105
Махлиё УМАРОВА. Байрон ва Чўлпон шеърятда бадий муштараклик	109
Shahnoza RAHMONOVA. XX asr o‘zbek adabiyotida yaratilgan mustazod janrining qiyosiy tahlili	112
Феруза СУЛТОНҚУЛОВА. Усмон Азим ва жаҳон шеърят	116
Ғулом БОБОЖОНОВ. “Балоғат илми” араб, форс ва туркий олимлар талқинида	118
Абдунаби ТҶИЧИЕВ. Ижодий ҳамоҳанглик	120
Anvar ALLAMBERGENOV. Abu Rayhon Beruniyning epizodik obraz sifatidagi tasviri (Maqsud Qoriyevning “Ibn Sino” romani misolida).....	124
Зебо САБИРОВА. Шарқ фалсафаси ва модернизм	127
Chinora UMARALIYEVA. Merso va G‘aybarov obrazlari misolida begonalashuv	130
Axror Kodirov. Mustaqillik davri o‘zbek romanchiligida shakliy o‘zgarishlar.....	132
Mohira ABDURAHMONOVA. Xurshid Do‘stmuhammadning “Bozor” romanidagi ramziy obrazlar poetikasi.....	135
Dilshoda UMIROVA. O‘zbek va jahon adabiyoti sirlari va farqlarni xususida	137

IV. O‘ZBEK VA JAHON ADABIY ALOQALARI

Улуғбек ХАМДАМОВ. Глобаллашув даври араб шеърятига бир назар (Солих Замананнинг “Абадият манзиллари” тўплами мисолида).....	139
Ёрқиний НАСИРДИНОВА. Ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг ўзбек-француз адабий алоқалари “Ренессанс”ида тутган ўрни	143
Баҳор ТҶРАЕВА. Чингиз Айтматов романларида инсон ва жонзот микрохронотопининг параллел тасвири	145
Aziza ZOIROVA. Fransuz-o‘zbek adabiy aloqalari taraqqiyotida badiiy tarjimaning roli	149
Дилдора САФАРОВА. Эрнест Хемингуэй ва ўзбек адабиёти	151
Sardor SHERQULOV. Lyuis Kerroll asarlarida viktoriya davrining ta’siri va fantastik voqealar mohiyati	153
Давронбек КОДИРОВ. Ғаззолийнинг “Ал-мунқиз мина-з-залол” автобиографик асарида тасаввуфий-ахлоқ ҳақида	156
Дилафруз ОЧИЛОВА. Уйғониш даврнинг буюк драматурги Кристофер Марло ижодига чизгилар	158
Зебинисо БЕКМУРАДОВА. Франсуза Саган ижодида психологик роман жанри	160
Ислом ЖЎРАЕВ. Замонавий шеърятда шахс ва жамият тақдири	163
Набия АБДУЛЛАЕВА. Инглиз адабиётда талаба образининг берилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари	166
Нилуфар ЖУМАЕВА. “Шовқин ва ғазаб” романида ёритилган муаммолар	168
Адиба МАЪДИЕВА. “Ўзбек модерн шеърят” тўплами хусусида	171
Ma’suma OBIDJONOVA. Rey Bredberi ijodida inson omili	173

V. TARJIMASHUNOSLIK VA TARJIMACHILIK MASALALARI

Kosimboy MAMUROV, Mohina KHAMIDOVA. On reviewing translation works (on the example of the book “Night and Day” by a.Chulpon).....	176
Xushnuda SAMIGOVA. Some hints for translators: paraphrases as a means of cultural translation.....	178
Зиёдаҳон ТЕШАБОЕВА. Такаллуфнинг маъно жилolari ва инглизча таржималари таҳлили.....	182
Nurislom KHURSANOV. General characteristics of translation process and cross-cultural communication	185
Oybek XAMDAMOV. Tarixiy romanlar tarjimasida milliylikni aks etishi masalalari	188
Ozoda QURBONOVA. Ingliz tilidagi iboraviy fe’llarni o‘zbek tiliga tarjima qilish muammolari... 191	191